



КУН РАҚАМИ

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларидаги саноат ишлаб чиқариш ҳажми 44 840,7 миллиард тенгени ташкил этди, шундан 21 400,6 миллиард тенге (47,7 фоизи) қайта ишлаш саноати улушига тўғри келади.

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 8 ноябрь, шанба, №120 (3621).

»» Президент

Президент – Вашингтонда

Kazinform. Қозоғистон Республикаси Президент-и Қасим-Жўмарт Тўқаев АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида ўтган «Марказий Осиё – АҚШ» (C5+1) шаклидаги саммитда иштирок этди.

Президент таъкидлаганидек, мазкур саммит Марказий Осиё ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Давлат раҳбари Қозоғистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклиқни янада ривожлантиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

– Бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари Қозоғистон иқтисодиётига 100 миллиард доллардан зиёд сармоя киритган ҳолда, унинг энг йирик сармоядорига айланди. Икки томонлама савдо ҳажми охириги йилларда икки баравар ошиб, 5 миллиард долларга яқинлашди. Шу билан бирга, Қозоғистон АҚШнинг уранга бўлган ички эҳтиёжининг тахминан 25 фоизини таъминлаб келмоқда. Мамлакатимизда 600дан зиёд америкалик компаниялар



фаолият юритмоқда, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг маълум қилишича, мазкур ташриф доирасида икки мамлакат компаниялари ўртасида 17 миллиард доллардан зиёд қийматдаги янги битимлар имзоланди.

Умуман олганда, Қозоғистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти ярим триллион доллардан ортиқ бўлиб, у энергетика, муҳим минераллар, саноат, транспорт, молия, сунъий идрок ва таълим каби соҳаларни қамраб олади.

Давлат раҳбари америкалик сармоядорларни мамлакатимизда яратилган имкониятлардан фаол фойдаланишга чорлаб, уларни шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрглигини таъкидлади.



C5+1: УММОН ОРТИДА БОШЛАНГАН ЯНГИ ДАВР

Оқ уй раҳбари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларини Қўшма Штатларга таклиф қилди. Вашингтонда “C5+1” шаклидаги кенг кўламли учрашув ўтди. Бу минтақа келажаги учун муҳим стратегик босқичдир.

Сўнгги йилларда бешта Марказий Осиё давлати ташқи сиёсатда янги, дунёвийлашув йўлини танлади. Улар эндиликда “бирлашув” шаклини қабул қилмоқда. “C5+1” шакли минтақавий бирдамликнинг амалдаги намунаси.

Илгари ҳар бир давлат Фарб ёки Шарқ билан ўз йўли доирасида мулоқот қилган бўлса, бугун умумий манфаат ва ягона овоз устувор бўлиб бормоқда. Бу сиёсий етуқлик белгиси.

“C5+1” шакли илк бор 2015 йилда БМТ Бош Ассамблеяси доирасида ташкил этилган бўлиб, биринчи учрашув Самарқандда ўтган. Ўтган йили эса “B5+1” халқаро анжумани Алматида ўтган эди. Бу “C5+1” шаклининг бизнес лойиҳасидир. Анжуман Марказий Осиё ва Қўшма Штатлардан 200дан ортиқ мутахассисларни минтақадаги савдо, транзит ва сармоя дастакларини муҳокама қилиш учун бирлаштирди. Ҳозирда эса у тўлиқ шаклланган, амалий натижа берувчи мулоқот майдонига айланди. 2023 йилда президентлар даражасидаги мулоқот бошланди. Бу минтақавий ҳамкорлик тарихи учун янги саҳифа эди.

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАР: РАҚАМЛАР ОРҚАЛИ ТАҲЛИЛ

Қозоғистон – АҚШ савдо айланмаси 2015 йилдан буён барқарор ўсиб келмоқда: 1,9 миллиард доллардан 4,2 миллиард долларга етди. Бу рақамлар ўзаро ишончни, стратегик яқинлиқни, ҳамкорликка тайёрглиқни англатади.

Мутахассислар таъкидлаганидек, “C5+1” шакли орқали АҚШ Марказий Осиё билан муносабатларни қайта қуришни кўзламоқда. Ушбу ҳамкорликнинг “энергетикадан сунъий идроккача” бўлган кенг қамрови минтақа учун муҳим аҳамиятга эга.

ТРАМП СИЁСАТИ ВА ЯНГИ СИЁСІЙ ЙўНАЛИШ

Дональд Трампнинг Оқ уйга қайтиши Марказий Осиё учун янги синов ва имкониятдир. Унинг ташқи сиёсат услуби иқтисодий-сиёсий манфаатларга таянади. Шу боис, АҚШнинг минтақага муносабати “ташаббус орқали таъсир” тамойилида давом этмоқда.

АҚШ сиёсий, технологик ва минерал захиралар соҳасида ҳамкорликка урғу бермоқда. Бу йўналишда Қозоғистон етакчи ўринда қолмоқда. Таҳлилчилар таъкидлаганидек, “Қозоғистон ўз иқтисодиётини ранг-баранглаштириш учун “C5+1” имкониятларидан тўла фойдаланиши лозим”.

ЭНЕРГЕТИКА ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙўНАЛИШИ

Нефть ва газ ҳануз икки томонлама муносабатларда асосий соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Бироқ давр талаби – янги энергия манбаларини излаш. Шунинг учун бу галги саммитда “яшил энергетика”, минерал захираларни қайта ишлаш ва рақамли саноат юзасидан келишувлар асосий мавзу бўлди.

АҚШ технология, молия ва инновация соҳасида етакчи. Унинг тажрибасидан фойдаланиш Қозоғистон ва бутун Марказий Осиё учун иқтисодий барқарорликнинг янги йўналиши бўлади.

ЛОГИСТИКА ВА ТРАНЗИТ: КЕЛАЖАК СТРАТЕГИЯСИ

Марказий Осиёнинг географик жойлашуви – бу унинг энг катта капиталидир. Денгизга чиқиш имкони бўлмаса ҳам, транскаспий йўналишлар орқали у Евроосиё логистика марказига айланиши мумкин.

Таҳлилчи А. Абдрашев таъкидлаганидек, Ақтау ва Қуриқ портларини замонавийлаштириш, “Ўрта даҳлиз” қувватини 2030 йилгача 10 миллион тоннага етказиш режаси бу муҳим геосиёсий стратегиядир. Ушбу лойиҳалар Марказий Осиёнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлайди.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА СУНЪИЙ ИДРОК

Таҳлилчи А. Мухамбетнинг фикрича, яқин йилларда рақамли индустрия ва сунъий идрок соҳасида ҳамкорлик янги босқичга чиқиши мумкин. Бу – минтақанинг “энергиядан технологияга” ўтиш даврига айланади.

AI, Astana Hub, Google ва Apple билан қўшма лойиҳалар – булар орқали Қозоғистон Марказий Осиёнинг “рақамли маркази”га айланиши эҳтимоли катта. Бу эса сармоядан кўра устувор билим, инновация ва янги авлод имкониятларидир.

Агар давлатлар бу имкониятдан оқилона фойдаланиб, ички бирдамликни мустаҳкамлай олса, океан ортидаги учрашувлар Марказий Осиё учун янги даврнинг бошланиши бўлади.

А. АБДУФАТТОҲ.

ЖАМИЯТДАГИ ЯНГИ ЭТИКА

«ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН»
ИЧКИ СИЁСАТНИНГ
АСОСИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИДАН
БИРИ СИФАТИДА
ТАСДИҚЛАНДИ



Қасим-Жўмарт Тўқаев «Қозоғистон Республикаси ички сиёсатининг асосий тамойиллари, қадриятлари ва йўналишларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Миллий қурултойнинг IV сессиясида экспертлар ва жамоат арбоблари ички сиёсат соҳасида амалга ошириладиган барча ишларни тартибга солишчи ягона концептуал ҳужжатни ишлаб чиқишни таклиф қилишган эди. Президент бу ғояни қўллаб-қувватлади ва у давлат тузилмалари ишини тизимлаштиришга қаратилган бўлиши кераклигини таъкидлади.

Президент Маъмурияти ва манфаатдор давлат тузилмалари Давлат раҳбарининг ҳар йилги Мақтублари, нутқлари ва Қозоғистон Республикасининг 2029 йилгача бўлган Миллий ривожланиш режасини эътиборга олиб, «Ички сиёсатнинг асосий тамойиллари, қадриятлари ва йўналишлари» ҳужжатини ишлаб чиқдилар.

Ҳужжатни ишлаб чиқишда Миллий қурултой аъзолари, таҳлилчилар, илмий ва жамоат ташкилотлари вакиллари фаол иштирок этдилар.

Ушбу ҳужжат асосан давлат идоралари учун мўлжалланган. Унинг асосий мақсади ички сиёсат соҳасидаги ишларни тизимлаштириш ва мувофиқлаштиришдир.

Унга «Қонун ва интизом», «Халқ овозини тинглайдиган давлат», «Турли нуқтаи назар – ягона миллат», «Қучли Президент – нуфузли Парламент – ҳисобдор Ҳукумат», «Адолатпарвар фуқаро» ва «Тоза Қозоғистон» каби ички сиёсат тамойиллари киради.

Миллий қурултой йиғилишларида кўтарилган миллий қадриятлар рўйхати ҳам киритилди. Миллий ўзага хослиқни акс эттирувчи миллий рамзлар тизими яратилди.

Ҳужжатда ички сиёсатнинг устувор йўналишлари, хусусан, жамоатчилик билан мулоқот, этнослараро муносабатлар, дин, маданий-гуманитар, оила, ёшлар ва ахборот соҳалари белгиланган. Қабул қилинган концептуал ҳужжат давлат идораларининг ички сиёсат соҳасидаги ишларини ташкил этиш учун асос сифатида хизмат қилади.

Алишер СОТВОЛДИЕВ,
Қозоғистон Республикаси
Парламент Сенати депутати.



Туркистон вилояти ҳокими Ўзбекистон Бош вазир билан учрашди

Kazinform. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшеронинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулла Орипов билан учрашуви ўтди. Суҳбатда Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бейбит Атамқулов ҳам иштирок этди.

Учрашувда икки қўшни мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, чегара ҳудудлари имкониятларини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Алоҳида эътибор сайёҳлик соҳасини ривожланти-

риш, ишлаб чиқариш корхоналарини очиш, қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўналишларига қаратилди.

Нуралхан Кўшерон таъкидлаганидек, Туркистон вилояти ва Ўзбекистоннинг

қўшни ҳудудлари тарихий, маданий ва иқтисодий жиҳатдан узвий боғлиқ. Шу боис, томонлар чегарабўйи ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани такомиллаштириш ва сайёҳлик йўналишидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилди.

Туркистон вилояти делегацияси ташриф доирасида Тошкент, Самарқанд, Урганч ва Хива шаҳарларига бориб, маҳаллий раҳбарлар ва сайёҳлик соҳаси вакиллари билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

»» Обуна - 2026

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУАЗЗАМ МАЙДОНИ

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига ҳам 2026 йилга обуна авжида.

Газетага обуна бўлиб, давлатимиз миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятидан хабардор бўласиз. Шунга эришиш керакки, рўз-

номамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва ҳунар маскани, газетасевар журтдошларимиз хонадонларига етиб бориш.

Ҳиммат кўрсатаман, деган ҳамюртларимиз нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – давлат

газетасининг ададини ошириб, келажак авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466
6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲҲ орқали – 5232 тенге

Сайёҳлик кўприги мустаҳкамланмоқда

Минтақа раҳбари Н. Кўшеров бошчилигидаги вилоят делегацияси Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди.

Унинг таркибида туризм соҳасининг мутасадди бошқарма ва муассасалар раҳбарлари, сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари, меҳмонхоналар вакиллари ва соҳа мутахассислари бор. Мақсад – Туркистон вилояти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича музокаралар юритиб, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиб, тажриба алмашишдир. Дастлаб Н. Кўшеров Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Транспорт вазири Илҳом Маҳкамов билан учрашиб, ҳамкорлик йўлларини муҳокама қилди.

– Мамлакатларимизни умумий тарих, маънавий қадриятлар ва маданий мерос бирлаштиради. Туркистон вилояти туризм ва транспорт инфратузилмасининг равнақини Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Минтақамизнинг сайёҳлик салоҳияти юксак: табиий бойликлари, тарихий обидалари, маънавият марказлари ва сайёҳлик масканлари Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонларни қизиқтиради. Вилоятнинг асосий қадамжоларидан бири – ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мерослар рўйхатига киритилган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидир. Бундан ташқари, вилоятда 1780тадан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар, шунингдек, тўртта махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлар жойлашган. Туркистон шаҳрида йилгига 3 миллиондан зиёд йўловчига хизмат кўрсатадиган халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Вилоят ҳокимлиги Туркистон ва Ўзбекистон шаҳарлари ўртасида янги рейсларнинг очилишини қўллаб-қувватлади. Шу жумладан, Туркистон – Урганч – Туркистон йўналишини йўлга қўйиш



масаласи илгари сурилмоқда. Шунингдек, автотранспорт ва темирйўл қатновини яхшилаш, сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва сайёҳлар чегарадан қулай ўтишлари учун “яшил йўлақлар” ташкил этишдан манфаатдормиз, – деди Нуралхан Кўшеров.

Илҳом Маҳкамов Ўзбекистон Қозоғистоннинг ишончли ҳамкори эканлигини айтиб, таклифлар, албатта, инobatга олиниши ва қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш борасида ишлар фаоллашaётганини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



СПОРТ ИНШООТЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА

Вилоятимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимлигида навбатдаги девон йиғилишида ушбу соҳадаги кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, галдаги режалар белгиланди. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров мутасадди бошқарма раҳбари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимларига спорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва оммавий сифатни ривожлантириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

– Туман ва шаҳарларда спорт иншоотларига эҳтиёжни қондириш мақсадида ишлаб чиқилган уч йиллик мажмуавий дастур изчил амалга оширилиши лозим. Барча кўрсаткичлар тўлиқ бажарилиши шарт. Ёшлар ўртасида зарarli одатларнинг олдини олишда спортнинг аҳамияти беқийс. Шу боис, ушбу йўналишда ишлар жадаллаштирилиши керак. Спорт иншоотларини барпо этишда давлат бюджети билан бирга, хусусий шўъбани ҳам жалб этиш муҳим, – деди Нуралхан Кўшеров.

Шунингдек, вилоят раҳбари футбол клубларини тижоратлаштириш ишларини жадаллаштириш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Ғалимжан Худияровнинг гапларига қараганда, бугунги кунда вилоятда 3540та спорт иншооти мавжуд. Уларнинг 3041таси (яъни 86 фоизи) қишлоқларда, 499таси (14 фоиз) шаҳарларда жойлашган. Ҳар 1000 нафар аҳолига нисбатан спорт инфратузилмаси билан таъминлан-

ганлик даражаси 43,5 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида вилоят аҳолисининг 42,4 фоизи яъни 911 минг киши жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Шунингдек, 3-18 ёш оралиғидаги болалар ва ўсмирлар сони 264 минг нафарга етиб, 32,9 фоизни ташкил этди. 2025 йил учун давлат буюртмаси доирасида 167та хизмат кўрсатувчи орқали 24480 нафар бола тўгаракларда бепул шугулланмоқда.

Вилоятда халқаро, республика ва минтақавий мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Спорт соҳасига кўрсатилаётган эътибор натижасида вилоят спортчилари 2025 йилнинг 9 ойи мобайнида жаҳон, Осиё ва Қозоғистон чемпионатлари ҳамда кубокларида жами 1248 медалга сазовор бўлди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

САРАПХАНАДА ИЧИМЛИ СУВ МАСАЛАСИ ҲАЛ БЎЛАДИ



ҚР Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли «Ҳокимларнинг аҳоли билан доимий учрашувларини ўтказиш тўғрисида»ги Фармониға биноан, Қазигурт тумани ҳокими Азизхан Исмаилов Сарапхана қишлоқ округи аҳолиси билан учрашув ўтказди.

Мулоқотдан кўзланган асосий мақсад – Давлат раҳбарининг Халқ овозини тинглайдиган давлат Концепциясининг ижросини таъминлаш, фуқаролар билан очиқ мулоқот ўрнатиш, кўтарилган масалаларнинг ҳал этилишини муҳокама қилиш ва галдаги режалари билан ўртоқлашиш эди.

Туман раҳбари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йиғилишда 4та масала кўтарилгани ва ундан 3таси тўлиқ ҳал қилиниб, 1таси юзасидан ишлар давом этаётганини маълум қилди.

– Ушбу масалалар сифатли ва тўлиқ бажарилиши учун тегишли бўлим ва ҳудудий муассасалар томонидан тегишли ишлар юритилмоқда,– деди туман раҳбари.

Жумладан, Сарапхана қишлоғидаги дорихоналар соҳиблари билан дори-дармон нархини асоссиз кўтармаслик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилиб, масала назоратга олинди.

Шунингдек, Қазигурт туманида маиший ахлатни олиб кетиш ишлари 2025 йил 30 августдан бошлаб «Асыл» хусусий корхонаси) тўхтатилди. Ҳозирги кунда бу юмушни «Тоза сув» давлат корхонаси амалга оширмоқда. Ушбу корхона Қазигурт ва Қизилқия қишлоқ округларида хизмат кўрсатмоқда. Қолган қишлоқларда эса бу борадаги ишлар бошқичма-бошқич давом эттирилади.

Қазигурт тумани ҳокимининг матбуот хизмати.



СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ

Кентов шаҳрида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида янги спорт мажмуасининг қурилиши бошланди.

Ҳозирги кунда иншоотда қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида 250 ўринли замонавий спорт мажмуаси барпо этилмоқда. Янги бинода бадий гимнастика, бокс, ёзги ва қишки спорт турлари учун мўлжалланган махсус заллар ва бошқа хоналар спортчиларга хизмат қилади.

Шаҳар ҳокими Жандўс Тасов қурилиш майдонида бўлиб, ишларнинг бориши билан танишди. Масъул муассасага ва пудратчи

ташкилотга қурилишнинг сифатига жиддий эътибор қаратиш ва лойиҳани белгиланган муддатда якунлашни топширди. Ҳозирги кунда иншоот пойдеворини қўтариш ишлари якунланиш арафасида.

Янги спорт мажмуаси 2026 йилда фойдаланишга топширилиб, шаҳар аҳолиси учун спорт билан шугулланиш имкониятларини кенгайтиради.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ЯНГИ МАЖМУА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Келес туманига қарашли Абай қишлоғида “Қишлоқ – эл бешиги” лойиҳаси доирасида замонавий спорт мажмуаси барпо этилди. Янги иншоотнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров иштирок этиб, келесликларни шодиёна билан кутлади.

Лойиҳа қиймати 1,8 миллиард тенгени ташкил этди. Янги спорт мажмуасида 250 нафар мухлисга мўлжалланган мусобақалар зали, волейбол, баскетбол, кураш ва бошқа заллар мавжуд. Мажмуада машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда йирик мусобақаларни ҳам ташкил этиш мумкин.

Шунингдек, жорий йил вилоятда 102та спорт иншоотини қуриш режалаштирилмоқда. Бугунги кунда 66та иншоотнинг қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. Эшак эшиш канали, 5та спорт мажмуаси, спорт заллари, майдончалар ва футбол манежлари шулар жумласидан.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОНАЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ЎТДИ



Туркистон шаҳридаги “Дўстлик уйи” биносида Қозоғистон халқи Ассамблеяси вилоят бўлими хузуридаги Оналар кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтди. Тадбирдан кўзланган мақсад – “Соғлом тафаккур” лойиҳасини амалга ошириш эди.

Мазкур лойиҳа – гиёҳвандлик ва зарarli одатларга қарши кураш, қимор-бозикнинг олдини олиш, маиший эъровонликка қарши маданиятни шакллантириш, бузғунчилик ва жамоат мулкига нисбатан бефарқликка йўл қўймаслик ҳамда исрофгарчилик ва лоқайдликка қарши тарбиявий йўналишларини ўз ичига олади.

Лойиҳа жамият аъзоларини маънавий янгилашни ғояларига содиқ бўлишга, соғлом, онгли ҳаёт кечиришга даъват этади.

Шу муносабат билан, ҚР Президенти Қ. Тўқаев жорий йилда ўтган ҚХАнинг XXXIII сессиясида шундай деган

эди: «Ассамблея гиёҳвандлик, қиморбозлик, маиший эъровонлик, бузғунчилик ва исрофгарчилик каби ижтимоий иллатларга қарши курашишда муҳим ўрин тутати. Хавфсиз ҳаёт кечириш учун бу каби хавфли ҳолатлардан тубдан халос бўлишимиз лозим. Бу, айниқса, келажак авлод учун жуда муҳим. Биз, болалар ва ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қилиб, тўғри йўлда тарбиялашимиз керак».

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев, ҚХА Оналар кенгаши раиси ўринбосари Баян Ахатай, ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ва фар-

мацевтик назорат қўмитасининг вилоят бўлими вакили Бақдаулет Байғазиев, вилоят полиция департаменти вакили Марат Бимаханов, «Жамоат тотувлиги» муассасаси раҳбари Элмира Жанғазиева, «Ассамблея ёшлари» уюшмаси Туркистон бўлими аъзолари ҳамда фаол ёшлар иштирок этишди. Тадбирда мазмунли маърузалар тингланди, фикрлар ва таклифлар билдирилди. Йиғилишнинг якуний қисмида иштирокчилар «Соғлом тафаккур» лойиҳасининг устувор йўналишлари юзасидан келгусидаги иш режаларини муҳокама қилишди.

Йиғилиш поёнида, Баян Ахатай жамиятда оналарнинг фаоллигини ошириш, миллатнинг маънавий янги-ланишига ҳисса қўиши ва ёш авлодга тўғри йўл кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»»» Матбуот анжумани

Вилоят клиник касалхонасида жигар алмаштириш жарроҳлиги жорий йил иккинчи марта ўтказилди. Бу ҳақда матбуот анжуманида касалхона бош шифокори Жанбўлат Дилдабеков маъруза қилди.

Тадбирда 9 нафар донор ва аъзолик қабул қилган бемор билан суҳбат ўтказилди. Уларнинг ҳар бири ўз тақдири ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашди. Ҳаётга қайтган беморлар донорларга миннатдорчилик билдиришди.

Туркистон вилояти, Саврон туманида истикомат қилувчи Элвира Сахидинова ўз онасига донор бўлганини айтиб берди.

– Онам 6 йил давомида жигар етишмовчилигидан азият çekди. Оилада 5 фарзандимиз. 2024 йил қондошлик донори ҳақида эшитгач, шифокорларга мурожаат қилдик. Менинг таҳлилларим тўғри келди, текширувлардан ўтгач, онамга донорлик қилдим. Ҳозир 20 ёшдаман. Соғлигим яхши. Мени дунёга келтирган онам учун жонимни ҳам беришга тайёрман, – дейди Элвира.

ҚОНДОШЛИК ДОНОРЛИК МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНМОҚДА



Шунингдек, матбуот анжуманида журналистлар ва шифокорларнинг эркин мулоқоти ҳам ўтказилди. Клиникада ўтказилаётган трансплантология жарроҳликлари республика бош жарроҳи, “А. Н. Сизғанов номидаги Миллий-илмий хирургия маркази” профессори, академик Бўлатбек Баймаханов раҳбарлигида амалга оширилаётганини маълум қилди.

29 сентябрь куни вилоят клиник касалхонасида иккинчи жигар трансплантацияси муваффақиятли ўтди. 54 ёшли беморга

24 ёшли ўғли донор бўлди. Амалиётдан сўнг бемор назоратда, ҳозирда соғлиги яхши.

Журналистлар тадбир якунида гемодиализ бўлими фаолияти билан яқиндан танишишди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда республика бўйича 4 мингдан зиёд одам аъзо алмаштириш навбатида турибди. Бу эса донорлик маданиятини янада ривожлантириш, аҳоли орасида соғлом ҳаёт ва ҳамдардлик ғояларини кенг тарғиб этиш зарурлигини кўрсатади.

М. УСМОНОВА.

»» Қозоғистон Республикаси Мустақиллигига – 34 йил



Қозоғистон 1991 йилда шўро давридан кейин мустақил давлат сифатида йўл олгач, йирик замонавийлашув жараёнларини бошдан кечирди. Ўтган 34 йил мобайнида ўзига хос давлатчилик институтларини шакллантирди, халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлди, ташқи сиёсат ва хавфсизлик учун асосий дастакларни яратди. Масалан, ҳудудий яхлитлик сақланди, давлат чегаралари масаласи ҳал қилинди ва турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

1997 йилда қабул қилинган Қозоғистон – 2030 стратегияси дастурий ҳужжат бўлиб, унда жами 7та устувор йўналиш белгиланди: миллий хавфсизлик, сиёсий барқарорлик, очиқ бозор иқтисодиёти, аҳоли саломатлиги ва таълими, энергетика захиралари, инфратузилма (транспорт ва алоқа) ҳамда касбий давлат.

Мақсад сифатида давлат томонидан “етақчи 30 давлат қаторига кириш” кўзланди. Ушбу стратегиядаги кўплаб вазифалар белгиланган мuddатидан аввал бажарилди ва 2012 йилда “Қозоғистон – 2050” Стратегияси ва “Мангу Эл” концепцияси ишлаб чиқилди.

Дастурий ҳужжатда ички замонавийлашув, рақобатбардошликни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий кафолатлар ва масъулият таъминллари, давлатчиликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатни ривожлантириш ва “қозоғистонча ватанпарварлик” тамойили белгиланди.

Шу муносабат билан Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган Мангу Эл ғояси Қозоғистон халқининг бирлиги, тарихий илдиэлари ва келажакка режаси баён қилинган.

“МАНГУ ЭЛ” – ВАТАНПАРВАРЛИККА ДАЪВАТ

“Халқнинг умри ундан кейин келаётган ҳар бир авлод билан узайиб боради. Шунинг учун ҳам халқнинг Мангулиги ҳақидаги орзудан буюкроқ орзу йўқ. “Мангу Эл” – бу эртанги кунга дастурил амал, келажакка ишончни мустаҳкамлайдиган ғоя, абадийлик ва барқарорлик рамзидир”, дейилади “Мангу Эл” концепциясида.

Дастурий ҳужжатда Қозоғистон фуқаролари, азалий қозоқ заминида тақдир ва тарихий хотира билан боғланган ягона миллат ва давлат сифатида, аждодлар орзуси бўлган мустақиллик неъматининг қадрига етиб яшаётгани айтилади.

Мустақиллик йилларида Янги Қозоғистон тарихи яратилди. Шу йиллар мобайнида халқимиз тинчлик ва бирлик йўлидан борди, мамлакатни жаҳонда эътироф этилган давлат даражасига кўтарди. Бугун ҳар бир фуқаро ғурур билан “Биз Мустақил Қозоғистон фарзандларимиз!” деб баралла айта олади.

“Мангу Эл” ғояси айнан шу ютуқларнинг маънавий ва сиёсий ифодаси бўлиб, халқимиз қалбидаги умуммиллий бирлик ва келажакка ишонч тимсолига айланди.

МАНГУ ЭЛ – АБАДИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАНБАИ

“Мангу Эл” ғоясининг мазмуни ҳар бир қозоғистонлик учун аён, тушунарли ва ҳаётбахш: бу – оила тинчлиги, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, барқарорлик ва эртанги кунга ишончдир. Ушбу ғоянинг етти асосий тамойили мамлакат тараққиёти йўлида йўл-йўриқ вазифасини ўтайди.

1. МАНГУ ЭЛ – БУ МУСТАҚИЛЛИК ВА АСТАНА.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар биримиз учун муқаддас бурч. Астана эса халқимиз қудрати ва замонавий Қозоғистоннинг рамзига айланган.

2. МАНГУ ЭЛ – УМУММИЛЛИЙ БИРЛИҚ, ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК.

Тинчлик –тараққиётнинг асосидир. Тақдиримиз ягона, Ватанимиз ягона. Тотув халқнинг келажаги порлоқ бўлади.

3. МАНГУ ЭЛ – ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЯТ.

Қозоғистон турли дин ва маданиятлар уйғунлиги орқали дунёдаги тинчликпарвар давлатлардан бирига айланди. Маънавият ва дунёвий мулоқот – миллат юзини белгилайдиган омилдир.

4. МАНГУ ЭЛ – ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ.

ИСТИҚЛОЛГА ОЛИБ ЧИҚҚАН БОСҚИЧЛАР

Индустрия ва сармоя салоҳиятини мустаҳкамлаш, табиий захираларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш – келажак авлодлар олдидаги масъулиятимиздир. Жамиятда миллатнинг илмий салоҳияти пойдевори сифатида заковатга, фан ва таълимга эҳтиромни қарор топтирамыз.

5. МАНГУ ЭЛ – ОММАВИЙ МЕХНАТ ЖАМИЯТИ.

Юртимиз тараққиёти – миллионлаб меҳнаткаш инсонлар саъй-ҳаракатининг самарасидир. Меҳнатга ҳурмат ва юксак масъулият ҳиссини кучайтириш бизнинг бурчимиз.

6. МАНГУ ЭЛ – ТАРИХ, МАДАНИЯТ ВА ТИЛИННГ УМУМИЙЛИГИ.

Биз тарихий меросимизни асраб-авайлаймиз, маданий хилма-хилликни бойитамиз, давлат тилининг нуфузини ошириш орқали миллат рақобатбардошлигини таъминлаймиз.

7. МАНГУ ЭЛ – МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОК.

Миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш – ҳар бир фуқаронинг бурчи. Биз тинчлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини илгари суриб, Қозоғистоннинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаймиз.

“Биз Мангу Элнинг муқаддас қадриятларига амал қиламиз.

Биз Ватанимизнинг мовий Байроғини мағрур кўтариб борамиз, уни юртимиз зафарларининг янги чўққиларига олиб чиқамиз.

Бу бизнинг келгуси авлодлар, Қозоғистон халқининг фаровонлиги ва равнақи учун онгли равишда танлаб олган йўлимиздир.

Қозоғистон ўз йўлини танлади – бу йўл тинчлик, тараққиёт ва умуминсоний қадриятлар йўлидир. Бу йўлдан чекинмаслик – ҳар биримиз учун бурч, шараф ва ифтихордир.

Биз – ягона миллатмиз – Мангу Элимизнинг қудрати ошаверсин!

Қозоғистоннинг мангу замини – Буюк Дашт Элига ҳамиша бахт ёр бўлсин!”, дейилади Қозоғистон халқи Ассамблеясининг XXIV сессиясида қабул қилинган дастурий ҳужжатда.

ҚОЗОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ ТАНЛАДИ

Қозоғистон асосан табиий захираларга бой мамлакат сифатида нефть, газ ва минералларга таянган иқтисодий йўлни танлади. Шу билан бирга очиқ бозор иқтисодиёти, хорижий сармоялар ва логистика марказига айланиш йўлида ҳаракат қилди. Бу йўл муваффақиятли бўлди, чунки давлат устувор иқтисодий тараққиёт ва сармояларни жалб қилишни амалга оширишга эришди.

Бироқ, бу йўлнинг ҳам чекланган жиҳатлари бор: захираларнинг хомашё сифатида сотилиши, иқтисодиётда рангбаранглаштириш, инновация ва юқори қўшимча қийматли ишлаб чиқариш даражаси пастлиги.

“Қозоғистон – 2050” стратегиясидаги вазифаларини амалга ошириши учун нилалар керак?

- Иқтисодий ранг-баранглаштиришни кучайтириш: нефть-газдан ташқари саноат ва юқори қўшимча қийматли шўъбаларни ривожлантириш;
- Инновация ва билим иқтисодиётини яратиш: илмий тадқиқотлар, рақамлаштириш, сунъий идрок каби йўналишларга эътибор;
- “Мангу Эл” ғоясини ҳақиқий маданият, тарих ва ўзига хослик асосида татбиқ этиш – миллат бирлиги ва маънавий мустаҳкамлик учун;
- Сиёсий барқарорлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, давлат бошқарувининг шаффофлиги – бу борада услубий ягона йўлни танлаган давлатлар муваффақиятга эришган;
- Инфратузилмага сармоя, ташқи савдо ва логистика билан интеграцияла-

шув – бу Қозоғистонни транзит ва сервис марказига айлантириш имконини беради.

ТАРИХГА НАЗАР

Уинстон Черчилль ҳам Англияни қайта тиклаш арафасида “Олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди”, деган эди. Бу сўзлар мамлакат тақдирини ҳал қилувчи даъват эди – ва бугун Қозоғистонда ҳам худди шундай давр ҳукм сурмоқда.

Жаҳон тарихида қаерда масала очиқ ва мардона қўйилган бўлса, ўша ерда натижа ҳам юксак бўлган. Давлатлар муваффақиятни осон йўл билан эмас, сабр, меҳнат, ирода ва бирдамлик билан қўлга киритган. Қозоғистон мустақилликнинг 34 йилида жуда кўп босқичларни босиб ўтди, аммо янги давр ундан янада чуқурроқ ислохотлар, янги тафаккур ва маънавий барқарорлиқни талаб қилмоқда.

РАҚОБАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугун дунё рақобати шафқатсиз. Орқада қолган миллат кучиларга хизмат қилади. Бу – табиий қонун. Чунки унга мустақиллик ҳуқуқи берилган, лекин у бу неъматдан тўғри фойдаланмаган бўлади. Меҳнат учун ҳаракат қилмаган халқ охир-оқибат бошқаларнинг иродасига бўйсунadi. Шу боис Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди”, деган сўзлари халқни уйғотувчи, масъулиятга чорловчи ўзига хос даъватдир.

Ҳозир эришилган ютуқлар билан чекланиб қолиш – тўхташга, тўхташ эса ортга тисарилишга тенг. Дунёда ҳеч ким сизни кутмайди. Миллатлар пойғасида ким тез юрса, келажак уники бўлади. Шунинг учун миллий юксалиш йўли равон йўл эмас, баъзан тик қоялар ҳам учрайди, лекин унда доим заковатилар ғойиб бўлади. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Қозоғистон халқига йўллаган “Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали” Мақтуби шу мақсадни кўзлайди. “Қозоғистон уч йил ичида тўлиқ рақамли давлатга айлантирилиши керак. Кенг қамровли рақамлаштириш ва сунъий идрок технологиясини жорий этиш асосида иқтисодиётни замонавийлаштиришимиз керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, Рақамли Кодексни имкон қадар тезроқ қабул қилиш зарур. Ушбу қонун рақамлаштириш жараёнининг асосий йўналишларини, жумладан, сунъий идрок, дастурий иқтисодиёт, йирик маълумотлар базаларидан фойдаланиш ва бошқа устувор йўналишларни белгилаб беради”, деди у.

Президент Янги Қозоғистон замонавий давлатга айланиши учун давлат бошқарувининг бутун тизимини қайта қуриш, унинг шаффофлиги ва самарадорлигини инсон манфаатларига йўналтириб, бу жараёни сезиларли даражада кучайтириш зарурлигини таъкидлади, ваколатли вазирлик негизда Сунъий идрок ва рақамли тараққиёт вазирлигини ташкил этишни топширди.

Ҳукуматга иқтисодиётнинг барча тармоқларини замонавийлаштириш учун оммавий сунъий идрокни жорий қилиш вазифаси юкланди.

МАЪНАВИЯТ – ЭЛНИНГ РУҲИЙ ҚАЛҚОНИ

Ҳар бир инсоннинг шахсий маънавияти – унинг ички оламининг инъикосидир. У кун бўйи сизни тўғри йўлга бошлайди. Агар маънавиятимиэ заиф бўлса, ижтимоий тармоқлардаги сохта “қахрамонлар”, маданий бузғунчилар бизни йўлдан оздиради. Улар ёшларимизни “оммавий маданият” соясида инсоний қадриятлардан узоқлаштирмоқчи бўлаётганлар. Президентнинг ушбу Мақтубида белгиланган вазифалар ёшларни маънавий етуклик, фикрий мустақиллик, миллий ғурур билан қуроллантиришни кўзлайди.

Маънавият – элнинг руҳий қалқони. У бўлмаса, юртда тинчлик бўлмайди, иқтисодиётда ҳам, сиёсатда ҳам барқарорлик сақланмайди.

Авазхон АБДУФАТТОВ.

»» 9 ноябрь – Халқаро Тинчлик ва Фан куни

ОЛАМНИ АСРАЙДИГАН ҚУДРАТ

Бугунги дунё жадал ўзгармоқда. Илм ва фан, ахборот ва технологиянинг ривожланиши шиддат билан кечаётган бир даврда яшаялмиэ. Ҳар соатда янги ғоялар, янги кашфиётлар туғилади, ҳар куни инсониятнинг билим доираси кенгайиб боради. Бироқ, шундай тез ўзгарувчан замонда ҳам инсон учун энг улуг қадрият – тинчлик ва тотувликдир. Шу боис 9 ноябрь – Халқаро тинчлик ва фан куни инсониятни ўйлашга, фанни тинчлик манфаатига хизмат қилдиришга даъват этади.

ҚОЗОҒИСТОН – ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Қозоғистон мустақилликка эришган илк кунларданоқ тинчликпарвар сиёсатни ўзининг бош йўналиши этиб белгилади. Юртимиз БМТ доирасидаги барча халқаро ташаббусларни кўплаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, ядровий қуролдан воз кечган илк давлат сифатида Қозоғистон дунёда тинчлик сиёсати намунасини яратди. Семей полигонининг ёпилиши бутун инсоният учун муҳим воқеа бўлди. Шу орқали Қозоғистон бутун башарият тинчлиги йўлида жасорат кўрсатди.

Бугун мамлакатимиз БМТ Тинчликпарварлик кенгаши фаолиятида иштирок этаётгани, ядросиз дунё ғоясини илгари сураётгани, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (CICA) ташаббусини илгари сургани ҳам тинчлик сиёсатидаги амалий қадамлардир.



ФАН – ТАРАҚҚИЁТ ВА БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Фан тинчликнинг илмий пойдеворидир. Илм инсонни маърифатли, маърифат эса уни тинч ва сабрли қилади. Қозоғистонда сўнгги йилларда фан ва инновация соҳасига юксак эътибор қаратилмоқда. Назарбаев Университети, QazInnovations маркази, “Digital Kazakhstan” дастури орқали ёшлар илмий янгиликлар билан шуғулланмоқда.

ЕХРО–2017 халқаро кўргазмаси – фан, энергия ва барқарор тараққиёт мавзусидаги энг йирик халқаро тадбир сифатида Қозоғистоннинг илмий салоҳиятини намоён этди. Унда “Янги энергия – янги фикр” ғояси асосида экологик фан, яшил технология ва инновациялар марказига айланди.

Бугун Қозоғистон Марказий Осиёда илмий тадқиқотлар, биотехнология, IT технологиялар, сунъий идрок ва робототехника соҳасида етақчи бўлиб бормоқда. Бу эса фаннинг иқтисодий ва маънавий кучга айланганини кўрсатади.

АССАМБЛЕЯ – ЖАМИЯТ ТОТУВЛИГИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

1995 йилдан буён фаолият юритаётган Қозоғистон халқи Ассамблеяси мамлакатда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг беназир шаклига айланди. Бу ташкилот фуқароларни миллатидан, динидан, тилидан қатыназар, умумий қадриятлар атрофида бирлаштириб, ҳамжиҳатлик ва тинчлик маданиятини қарор топтирмоқда.

Бугун Ассамблея таркибида 1000дан зиёд этномаданият бирлашмалари, 34та Дўстлик уйи, минглаб кўнгиллилар ва оқсоқоллар кенгашлари фаолият юритмоқда. Улар жамиятдаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёшларга маънавий тарбия бериш ва миллатлараро мулоқотни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Парламент Сенатига Ассамблея тавсияси билан депутатлар сайланиши давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ишонч кўпригига айланди. Бу тажриба бутун дунёда “Қозоғистон модели” сифатида ўрганилмоқда.

Юртимизда илм ва фаннинг тараққиёти, Ассамблея фаолияти ва тинчлик ташаббуслари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир фуқаро тинчликни асраш, илмни қадрлаш, Ватаннинг равнақиға ҳисса қўшиш орқали умумий келажакни барпо этишга ҳисса қўшмоқда. Ассамблея, олимлар, ёшлар ва бутун жамиятнинг ягона мақсади – Қозоғистонни тинч, илмий тараққий этган, фаровон мамлакат сифатида дунё саҳнасида мустаҳкам ўрнатишдир.



АХБОРОТ ЖАМИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТНИНГ ВАЗИФАСИ

Дунёвийлашув жараёнида тинчлик ва фан фақат лабораторида ёки сиёсий минбарларда эмас, балки оммавий ахборот воситаларида ҳам яратилади. Бугунги журналистика – тинчлик элчилиги. Журналист сўз орқали одамлар онгида ишонч, дўстлик ва ҳурмат ҳиссини уйғотади. Шу боис Қозоғистон журналистикаси замон билан ҳамқадам бўлиши керак: янгилликда аниқлик, таҳлилда холислик, ахборотда масъулият – бу тинчликнинг ахборотдаги ифодасидир.

Қозоғистон медиа соҳасида рақамли журналистикаға қадам қўйди, ахборот хавфсизлиги ва очиқ мулоқот сиёсати ривожланмоқда. Халқаро медиаанжуманларда мамлакат журналистлари ахборот жамиятининг янги қоидаларини ўрганмоқда, турли тилларда эркин фаолият юритмоқда. Бу эса жамиятда фикрлар хилма-хиллигини, тотувлик маданиятини мустаҳкамлайди.

Тинчлик ва фан – бир-бирини тўлдирувчи икки қанот. Тинчлик бўлмаса, фан ривожланмайди, фан бўлмаса, тинчлик мустаҳкамланмайди. Қозоғистон ана шу икки қадриятни уйғун ҳолда ривожлантираётган давлат сифатида инсоният олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этмоқда.

Шу боис, 9 ноябрь – Халқаро тинчлик ва Фан куни инсониятни яна бир бор тинчлик йўлида бирлашишга чорловчи қудратли даъватдир.

А. БҶРОНБОЕВ.

>>> Сўзоқ

ОБУНАДА ФАОЛЛИК ЗАРУР



Сўзоқ тумани ўЗМБ раиси Муҳаммаджон Бобоев ҳамда А. Навоий номли мактаб директорининг ўринбосари Султонбой Рўзиматов ташкилотчилигида мактаб устозлари билан 2026 йилнинг биринчи ярмига обунани уюшқоқли ташкил этиш мақсадида фаол жонқуярларимиз Дилноз Татенова ва Фотима Айдарова меҳнат қилаётган кутубхонада учрашув ташкил этдик.



Мулоқот чоғида директор вазифасини вақтинча бажарувчи Гулназ Стамова (директори Нурмухаммад Болтабоев), ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Муҳаббат Валжоннова, Махсуда Файзуллаева, Шаҳризод Жуманазарова, Зулфизар Тожиева, инглиз тили ўқитувчиси Расул



обунани расмийлаштириш, А. Навоийнинг 585 йиллигига тайёргарлик, ёшларни “Жанубий Қозоғистон” газетаси муталаасига жалб қилиш орқали ҳуқуқий саводхонлигини, демакки, хатоларга йўл қўймаслигини таъминлаш масалалари баён этилди.

38 йиллик иш тажрибага эга заҳматкаш устоз Дилбар Бектемирова мактабгача тайёргарлик синфи учун зарур “Математика”, “Жажжи алифбе”, “Мен бўгинлаб ўқийман”, “Нутқ ўстириш” китоблари давлат томонидан таъмин этилса, бошланғич синф ўқувчиларидек ошхонада бепул таом берилса, деган таклифини билдирди. “Ўлес” хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров фаолиятига миннатдорчилик билдирган устоз саволлари бўйича нуфузли ташкилотларга мурожаат этамиз.

Сўзоқ кишлоғи ҳокими, А. Навоий номли мактаб директори бўлиб ишлаган, 2004 йили ўз ҳисобидан қишлоқ ҳокимлиги биносини қурган фаол обуначимиз Рисбой Абдраманов билан суҳбатлашдик. Ўғли Нурмухаммад Болтабоевнинг обунга доимий кўмаги учун миннатдорчилик билдирдик. Суҳбатдошимизнинг ҳурматли падари бузруквори, УВУ фахрийси Болтабой Абдраманов Сўзоқ совхозига самарали раҳбарлик қилган йиллари ушбу файзли хонадонга ўша кездеги вилоят раҳбарлари Ливенцов, Рамазанов, Асанбай Асқаровлар ташриф буюриб, меҳмон бўлишгани шонли тарих.

Қишлоқдаги 1-сонли хунар коллежи директори Бейсен Талғат Хайдоллаули билан суҳбатда бўлдик. Ҳар ҳафта А. Навоий номли мактаб ўқитувчиси Жаҳонгир Муҳаммаджон ўғли етказиб берадиган “Жа-

40 нусха газетамиз ҳомийлигини шараф билан зиммасига олган таникли тадбиркор, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Идирид Жуманазаровнинг умр йўлдоши, тажрибали устоз Раушан Бимбетқизи ушбу таълим даргоҳида директорнинг тарбия ишлари бўйича ўринбосари лавозимда самарали меҳнат қилмоқда. У таълим вазирлиги, вилоят миқёсида тарбия ўринбосарлари танловида



ғолиб чиққан. Умр йўлдоши билан Умида, Гулида, Тимур исмли олий маълумотли қорбил фарзандлар тарбиялаган. Р. Бимбет қизи ўтган йили таҳририят томонидан тавсия этилган “Өнегелі азамат” мукофотини тантанали қабуллаб олган. Обунадаги холис кўмаги учун оила соҳибасига самимий ташаккур билдирдик.

Янги йил арафасида Батирхан Аяпов раҳбарлик қилаётган Сўзоқ қишлоқ округи ҳокимлиги жамоаси икки қаватли янги бинога кўчиб ўтди. Эски бино эндиликда меҳнат фахрийлари саломатлиги учун тиббиёт маркази сифатида фойдаланилади. Қишлоқ ҳокими ўринбосари Байқубек Жўмарт Жўлдас ули 10700 тургун истиқомат қилаётган Сўзоқ қишлоғидаги қарийб 5



Атажиевлар қатнашди. Улар таҳририятга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди.

Дарслик, янги синфхоналардан тортиб “Казатомпром” ҳомийлигига оид кўплаб саволларга мутасадди ташкилотларга мурожаат этилган, расмий жавоб берилди. Обунани ташкил этишда Туркистондаги Д. Дийметова раҳбарлигидаги Ҳамза номли мактаб (200 нусха), Қорачиқ қишлоғидаги Қодир Аҳмедов (225 нусха), Райимжон Қўчқоров раҳбарлигидаги “Ўлес” хайрия жамғармасидан (200 нусха) ўрнат олиш, почта хизмати нархи қиммат туюлса, шу баҳонинг ярмидан ҳам арзон бўлган шартнома орқали

нубий Қозоғистон” газетасини 20 нафар муштарийларга директор ўринбосари Руслан Атажиев шахсан ўзи тарқатиб, ташаббус кўрсатмоқда.

“Сўзоқ” мактаб-гимназияси директорининг илмий ишлар бўйича тажрибали ўринбосари, фаол обуначимиз Роман Қадиқулов мактаб жамоаси 10 нусха “Жанубий Қозоғистон” нашрига ёзилишини таъмин этишини ваъда қилиб, таклифларини ҳам баён этди.

мингга яқин ўзбекзабон аҳоли “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига фаол қатнашадиганлигига ишонч билдириб, кўмакка тайёргилини айтди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Сўзоқ қишлоғидаги обуна сафаримизда суҳбатда бўлган ҳурматли муштарийларимиз.

Муаллиф тасвирлари.

P.S. Мустақиллик тенгдоши “Жанубий Қозоғистон” нашри 35 ёш арафасида. Таҳририят томонидан фаол муштарийларимиз учун обунани расмийлаштириш бора-сида барча шароит яратилган. Давлатимизнинг то-тувлик, тараққиёт, ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва она тилимиз ҳурмати – қадрдон нашрга ёзилиш барчамизнинг ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

>>> Туркистон – чет элликлар нигоҳида

ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛАШГАН МУҚАДДАС МАСКАН

Тўққиз йил муқаддам зиёрат қилган Қозоғистондаги муқаддас Туркистон шаҳрига бу йил “VEZDEK HODI” МЧБ сайёҳлик агентлигининг ташаббуси билан уюштирилган саёҳат мен учун катта ҳаяжон қувончли дамларга тўла бўлди. Ўтган давр мобайнида бу юрт жуда ҳам ўзгариб, гўзал ва замонавий қиёфа касб этибди.



Улуғ қадамжо – Аҳмад Яссавий ҳазратларининг мақбара-си таъмирланибди, ёнида эса “Карвонсарой” мажмуаси қад ростлабди. Бу ерда ўзимни гоҳ Венецияда, гоҳ Дубайда, баъзан эса гўё Туркияда юргандек ҳис қилдим – ҳар қадамда гўзаллик, маданият ва тарихнинг уйғунлигига нигоҳим тушди. Ки-чик сув ҳавзаларида ва кемаларда театрлаштирилган сахналар, фавворалар, атрофдаги кўнгилочар тадбирлар, хушбўй ва мазали таомлар ҳамда миллий мусиқа садолари қалбни ҳузурга тўлдирди.

Мақбара атрофида кўплаб хорижлик зиёратчиларни ҳам учратдик – бу ҳолат Туркистоннинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади.

Бу сафарда мен Туркистоннинг янги қирраларини кашф этдим. Бу халқнинг меҳмондўстлиги, юртининг ободлиги ва тарихига бўлган эҳтироми менда юксак таассурот қолдирди.



Мен тарихга қизиқаман. Шу боис Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларини азалдан боғлаб турган қон-қариндошлик, қуд-андачилик ва ўзаро ҳурмат ришталари ҳақида ўйлар эканман, бу яқинлик юракни илиқ ҳиссиётлар билан тўлдирди.

Туркистондаги янги тарихий аҳамияти, мозий қаҳрамонларининг портретлари тарихни жонлантиради.

Аҳмад Яссавий ҳазратлари мақбарасида бўлганимизда қалбимни тинчлик ва шукроналик туйғуси қамраб олди. Бизга ҳамроҳ бўлган сайёҳбон мақба-

музей ҳақиқатан ҳам замонавийлик ва билим маркази эканлигига амин бўлдим. Унда ҳар бир экспонат ҳақида электрон тарзда маълумот берилади – халқнинг ўтмиши, турмуш тарзи, кийим-кечаклари, чорвачиликда туя ва йилқиликларнинг

Айниқса, “Altyn Samurak”да 3D шаклда бутун Қозоғистон бўйлаб виртуал саёҳат қилдик ва шу орқали ҚР пойтахти Астана шаҳрининг гўзал қиёфасини ҳам кўриш бахтига муяссар бўлдик.

Кеч бўлганда майдонда минглаб тунги чироқлар нур таратди, “Нилуфар” фаввораси миллий куйлар садосида сув ранглари билан уйғунлашиб, жонланиб кетди. Бу манзара ҳақиқий мўъжиза эди.

Кичик электр машиналарда “Карвонсарой” ва атрофдаги биноларни айланар эканман, ҳар бир бинонинг гўзаллиги ва ҳар бир лойиҳанинг меъморий юксаклигидан завқ олдим.

Туркистон мен учун нафақат муқаддас қадамжо, балки тарих, маданият ва замонавий тараққиёт уйғунлашган бетакрор макон-маскан бўлиб қолди. Бу юртга бўлган меҳрим, эҳтиромим ва қизиқишим янада ортиб, қалбимда доимий хотира сифатида сақланади.



ранинг Амир Темур томонидан барпо этилгани ва ҳар бир меъморий унсурнинг маъноси ҳақида қизиқарли маълумотлар берди. Қуръон тиловати жараёнида қалбим янада хотиржам бўлди.

Мақбара атрофи гўзал гулзорлар, соя-салқин шийпонлар, шинамгина ўриндиқлар билан безатилган. Атрофдаги хиёбонлардаги алвон атиргуллар ифори бутун ҳавони тўлдириб, зиёратчи қалбига ҳузур бағишлайди.

Туркистондаги меҳмонхона тоза, қулай ва замонавий. Миллий услубда безатилган ошхоналар юртининг самимийлиги ва маданиятини акс эттиради.



Умида МАНСУРОВА, журналист. Ўзбекистон Республикаси.

Тасвирларда: саёҳатдан лавҳалар.

>>> Шахмат

НУРИСЛОМНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Монголиянинг Улан Батўр шаҳрида шахмат бўйича Осиё биринчилигида тўққиз ёшдаги туркистонлик Нурислом Султанхон Бобир ўғли фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди.



Бунга қадар Нурислом шаҳар, вилоят, республика танловлари ғолиби бўлган, икки марта жаҳон биринчилигида иштирок этиб, Сербия ва Албанияда иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган. Спорт устаси номзоди унвонига эга. Унинг



мураббийси Қуанишбек Жумадиллаев. Туркистон шаҳридаги Нурлан Сиздиқов раҳбарлигидаги спорт мактаби ўқувчиси. Нурисломни навбатдаги ютуғи билан муборақбад этамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Нурислом Бобир ўғли; мураббийлари ва оила-аъзолари билан.

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА – МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ



Шимкент шаҳридаги 11-сонли А. Навоий номи мактабда шаҳар таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари учун меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган махсус ўқув курси уюштирилди.

Тадбир ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Республика илмий-тадқиқот институти" муассасасининг Шимкент шаҳри ва Туркистон вилояти бўйича филиали ташаббуси билан ташкил этилди. Ўқув жараёнида сўз олган мазкур ташкилот раҳбари Фахриддин Қоратоев, шаҳар меҳнат нозирлиги нозири Ғалимжан Шарипов тингловчиларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Шунингдек, нотиқ Алиқул Абдиевнинг меҳнат қончилиги талабларига риоя қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъ-



минлаш борасидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

ҚРнинг "Меҳнат кодекси" 182-моддасига мувофиқ, иш берувчилар ва ходимлар томонидан меҳнат хавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига амал қилиш – меҳнат муносабатларининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан таълим муассасаларида меҳнат маданиятини шакллантириш, ёш авлодга хавфсиз меҳнат кўникмаларини ўргатиш ва хавфсизлик маданияти-

ни мустаҳкамлаш бугунги кўннинг долзарб вазифаси экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, таълим соҳасида меҳнат хавфсизлиги маданиятини йўлга қўйиш, иш жойида интизом ва масъулиятни ошириш, устувор вазифалардир.

Ф. Қоратоев тадбирни ташкил этишга қўллов кўрсатган Шимкент шаҳри таълим бошқармаси раҳбари Қуаниш Исқақовга миннатдорчилик билдирди.

З. МҲМИНЖОНОВ.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Замин билан ҳамнафас инсон – ҳаёт манбаи билан ҳамжиҳатликда яшайди, тупроқ ҳидидан завқ, меҳнатдан қувват оладиган, барқарор тараққиётни амалий ишлар билан намоён этаётган ёшлар бугунги жамиятимиз бахти, давримизнинг улкан ютуғидир. Улар ота-боболаридан мерос қолган деҳқончиликни замонавий технологиялар билан уйғунлаштириб, юртининг озик-овқат хавфсизлигига, мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шундай ёшлар – Ғабит ҳамда Сабина Пернебаевлар болалиги кечган Тулкибош тумани, Мақтали қишлоғи ҳаётидан узилмаган ҳолда яшил иқтисодиётнинг жонли моделини – "ALTY KÖL" пермамаданият хўжалигини яратишга муваффақ бўлишди. Бу эколойиҳа – аждодлар қадриятига қайтиш, замин билан ҳамнафас бўлиб, барқарор турмуш тарзини яратиш йўлидаги дадил қадамдир.

Мазкур хўжаликда «Пермамаданиятда декорбонлаш ва намлиқни сақловчи технологиялар» мавзuida амалий семинар ўтказилди. Унда Россиядан ташриф буюрган пермамаданият бўйича дизайнер ҳамда барқарор экотизимлар бўйича мутахассис Тимофей Кинжеев иштирок этди. Меҳмонлар билан мулоқот чоғида имкониятлар борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Семинарда деҳқонлар, экологлар, фан, таълим, бизнес ҳамда ҳокимлик вакиллари – мамлакатимизнинг барқарор келажаги ҳамда яшил иқтисодиёт тараққиётига ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз иштирок этди. Семинар сувни тежаш, ерни соғломлаштириш, қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш каби соҳаларда муҳим маълумотларни тақдим этди.

– Ушбу лойиҳа биз учун ниҳоятда қадрли, – дейди мулоқот чоғида Ғабит Пернебаев. – 15 йил мобайнида унинг лойиҳасини маънавий тайёрлаб, ҳар бир қаричини руҳан парваршлаб келдик. Мана, 3 йилдирки, лойиҳамиз амалга ошяпти. Маълумки, яшил иқтисодиёт заминимиз учун улкан зғуликдир. Ер, биздан наҳот сўраб йиғлаётганига анча йиллар бўлиб қолди.



Санокли дақиқаларда даромад олиш мақсадида ер билан муносабатларимизни анчагина бузиб олганмиз, энди хатони тўғирлашимиз лозим. Бизнинг ҳамкоримиз Т. Кинжеев билан табиат кўйидаги тупроқнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаритилган лойиҳа устида анча йиллардан буён меҳнат қиялпмиз. Пермамаданият – бу табиий барқарорлик, табиат, иқлим ҳамда заминга бериладиган ишловларнинг барқарорлиги, уйғунлигини назарда тутаяди, яъни табиий экотизимга асосланган. Ўсимликлар, жониворлар дунёси микроорганизмлар, шу жумладан, инсонлар, Ер биосфераси азалдан мавжуд. Сўнгги ўн йилликларда унинг аҳолини ёмонлаштирадиган ҳаракатларни қиялпмиз. Табиатимизни деграция ҳолига келтирганмиз. Энди еримизни соғломлаштириш устида иш олиб борапмиз. Бугунги тадбирда иштирок этиб, еримизга янги кўчат экяётган ҳар бир иштирокчи, яшил келажагимизга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Семинаримиздан мақсад ҳам шу – одамларни илҳомлантириб, уларда табиатга меҳр уйғотиш ва ўйлаймизки, биз шунга эришдик.

Семинарни олиб бораётган мутахассис иштирокчиларга табиатни соғломлаштириш юзасидан афрофлича маълумотларни тақдим этди.

– Семинаримизнинг бош ғояси дунё мамлакатлари раҳбарлари, шу жумладан, Қозоғистон Президенти Қ. Тўқаевнинг юксак минбарларда

кўтарган ташаббуслар – табиатдаги қувватни тежовчи технологияларни ривожлантириш, қувватини йўқотган ер майдонларини тиклаш, унинг унумдорлигини ошириш, экотизимни барқарорлаштириш, – дейди россиялик мутахассис Т. Кинжеев. – Тоза ичимли сув дунёдаги энг муҳим валюта. Афсус буни кўпчилик ҳали билмайди. Углероднинг тупроққа қайтарилиши жуда муҳим. Қазилма бойликларни ортиқча истеъмол қилишни чеклашимиз керак. Шундай қилишимиз жоизки, табиат бизга ўзи уни инъом этсин. Шундай муносабатни барпо этишимиз лозимки, табиат ҳам биз ҳам соғлом бўлишимиз керак. Натижада, Ерга муносабат борасида Қозоғистонда ҳам анча ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини мамнуният билан қайд этди. Яшил ҳудуд тараққиётига, эътибор қаратилаётгани одамлар онгига ҳам кўллаб ўзгаришлар юзага келтирди. Аслиятга, ёндашувдаги янги услубларни омута-лаштириб, авлодлар технологияларига қайтиш ерни анча соғломлаштиради.

– Пермамаданият тушунчасини содда қилиб қандай ифодаласак бўлади ҳамда иқлим ўзгариши шароитида бу масала қанчалик долзарб?

– Пермамаданият – бу табиат билан ҳамнафаслик фалсафаси. Биз узоқ йиллар давомида табиат билан мувозанатни бузиб келдик. Бунинг натижасида кургоқчилик тўфон кўринишида ҳамда иқлимий ўзгаришлар юзага келмоқда. Агар табиатдан олганимизни ғамхўрлик сифатида қайтарсак, шундагина ҳақиқат тикланади. Т. Кин-



суҳбатда. – Давр ўтиши билан бизнес соҳасини танладим. Отам темирйўл соҳасида ишларди. Ҳовлимиз нақ бир гектар келарди. Оиладаги 5 фарзанд ота-онам билан бирга меҳнат қилишга ўргандик. Катта боғимиз бўларди. Унда сархил мевалар етиштирардик. Табиат билан ҳамнафас вояга етганимиз тақдиримизда ҳам ўз аксини топди. Укам олий маълумотли, илмий ишларини химоя қилди, фалсафа фанлари йўналишида олим. 200дан зиёд илмий мақолалар, китоблар муаллифи. Айни дамда Ўзбекистондаги Экологик партияни бошқаради. Пернебаевлар оиласи билан 20 йилдирки, дўстмиз. Дўстларимизнинг вафотидан сўнг уларнинг фарзандлари ўзлари яратган табиат кўйидаги лойиҳасига таклиф қилишди. Ушбу эзгу ташаббусни кўриб, хурсанд бўлдик. Ҳозирги ёшлар ишни санокли дақиқалардан сўнг даромад кўришни мўлжаллаб, бошлайди. Бу ерда эса аксини кўряпмиз. Яъни даромад кўриш бош мақсад эмас. Тупроқни соғломлаштириш, уни авлодларга соғлом ҳолда мерос қолдиришни режалаётган ёшларимизнинг мавжудлиги улкан бахт. Марҳум дўстларимнинг фарзандларини ватанпарварлик руҳида вояга етказганига гувоҳ бўлиш мен учун катта қувонч.

– Умр йўлдошим Ғабит билан мазкур антиқа маконнинг асосчиларимиз, – дейди Сабина Пернебаева. – Ҳама нарс болаликдан бошланди. Ота-онамизнинг Алмати вилоятида дала ҳовлиси бор эди. Отам ерга қадаган уруғ борки,

Рио-де-Жанейрода ўтган халқаро анжуманда Қозоғистон делегацияси таркибида иштирок этдик, дунёвий ғоя эди. Қозоғистон ҳудуди улкан бўлганлиги боис, яшил иқтисодиётнинг бир қисmini яратишни ният қилгандик. Қишлоқ хўжалигида бироз истеъмолчилик маданияти шаклланган. Ерга уруғ қадалади, ҳосил олиш керак. Мақсад шу. Пермамаданиятда эса ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, бутун борлиқ билан мувозанат эътиборга олинади.

– Ушбу ҳудудда неча йилдан сўнг доимий даромад олиш мумкин?

– Бугуннинг ўзида ҳам даромад олиш мумкин. Олмаларимиз пишиб, етилди. Балиқларни ҳам етиштиришга киришдик. Лекин лойиҳамизнинг асл моҳияти моддий фойдада эмас. Асосий мақсад – тупроқни соғломлаштириш орқали табиатни қайта тиклаш.

– Бу ишни кўп болали она сифатида бошлаган экансиз...

– Ҳа, олти нафар фарзандимиз бор. Ғоямизнинг амалга ошишида бизга фарзандларимиз ҳам ёрдам беряпти. Жуда кўп ниҳолларни экдик. Ва бу билан ҳали чекланиб қолмаймиз. Мақсадимиз – бутун Қозоғистонни яшил элга айлантириш, ободонлаштириш ҳамда авлодларимизга соғлом заминни мерос қолдириш.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу маконда ҳар бир ниҳол алоҳида меҳр ва умид билан экилган. Унинг соҳиблари табиат билан ҳамнафасликда яшаш,



униб, ўсиб мевали дарахтга айланарди. Мақтали умр йўлдошимнинг она қишлоғи бўлганлиги боис, бор меҳрини шу ерга берган. Бизда аввал танлов бўлди. Туркияда бошпана олишга маблағимиз бор эди, бироқ биз она юртимизни ривожлантиришни танладик. Ва ушбу лойиҳага кўл урдик. 2012 йили барқарор тараққиёт бўйича

инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда мувозанатни таъминлашга ҳисса қўиш, ҳар бир мева эса миришкор инсоннинг келажака бўлган ишончи, соғлом олам ҳақидаги орзуларининг амалдаги ифодаси эканлигига ишора.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

ҚОРАХОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА А. ЯССАВИЙ ИЖОДИ

Буюк аждодларнинг жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини энг замонавий усуллар ва воситалар орқали ёритиб бориш бугунги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳақиқатдан ҳам Марказий Осиё туркий қавмларининг ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданий ҳаёти, Турон, Туркистон, Ўрта Осиё номлари билан атаб келинаётган қадимий Ватанимиз тарихи, туркий тил, туркий миллат, туркий дунё сўзларининг маъносини чуқурроқ ўрганиш, туркий тилда ижод этган, ўзларининг жахоншумул кашфиётлари билан диний ва дунёвий илмлар ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз фаолиятларини кенг ёритиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Х асрда Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тяньшаннинг жанубий ён бағрида ташкил топган Қорахонийлар давлати биринчи туркий-исломий давлатлардан бири бўлиб, унга Абдулкарим Сотух Бугрохон асос солган эди. Сотух Бугрохон ҳокимиятни эгаллаб, ўзини “Қорахон” яъни “хонлар хони”, “улуг хон” деб эълон қилди. Бугрохондан кейинги барча хонлар ҳам ушбу унвон билан улуғланганлар. Қашқар, Болосоғун, Ўзган ва Самарқанд Қорахонийлар хоқонлигининг турли даврлардаги пойтахти бўлган.

Қорахонийлар ҳукмдорлиги даврида давлат бошқаруви тизимига, ҳарбий соҳанинг ривожига, илм, маърифат ва адабий муҳитнинг шаклланишига, фикшунослик, маданият, санъат, адабиёт ва меъморчиликка катта аҳамият берилган эди.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул Ҳаққойик”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғот ат-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадгу билиг”, Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат”, Бурхониддин Марғинонийнинг “Хидоя” асарлари шу даврда яратилган ноёб асарлардир.

Туркий тасаввуф шеърятининг атоқли вакили, ўзбек классик адабиётининг улкан намояндаларидан бири Аҳмад Яссавий XII асрда, яъни 1103 йил Сайрамда туғилиб ўсган, дастлабки билимларини машҳур олим Шаҳобиддин Исфажобийдан, Туркистонда Сайрам “Хон кўприги” устида Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. совғасини берган устози Арслонбобдан, Арслонбоб вафотидан кейин Бухорода Юсуф Ҳамадоний ва Шаҳобиддин Сухравордийдан олган, яссавия тариқатига асос солган, мураккаб ижтимоий-тарихий даврнинг фарзанди сифатида ижод этган буюк аллома эди.

А. Яссавий халқ бошига кўп қийинчилик ва мусибатлар ёғдирилган даврларда, яъни турк ҳукмдорлари – Қорахонийлар билан Қорахитойлар ўртасидаги урушлар даврида яшаб, урушнинг даҳшатли оқибатларини кўрган, шеърларида бу фожиаларга ўз муносабатини билдириб, исён қилиб яшаган ижодкордир. (Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. 5-б. Тошкент, 1990 й.)

Аҳмад Яссавий ижодини ўрганиш, тадқиқ этишда замонамиз олимлари – “Ислом энциклопедияси”нинг биринчи муаллифлари бўлган Е. Э. Бертельс, А. Е. Крымский, А. Н. Самойлович, машҳур турколог, шарқшунос олимлар Ф. Купрулизода, К. Эраслон, тарихчи – яссавийшунос, шарқшунос, адабиётшунос олимлар Азиз Қаноум, Сўйума Ғаниева, Беғали Қосимов, Натан Маллаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Эргаш Рустамов, В. Зоҳидов, С. Эргашев, Иброҳим Ҳаққулов, Иброҳим Мўминов, Озод Шарафиддиновларнинг хизматлари каттадир.

“Девони ҳикмат” А. Яссавий вафотидан кейин унинг содиқ шоғирдлари томонидан тузилгани, энг қадимги қўлёзмалар ўн еттинчи асрга мансуб бўлиб, халқ оғзидан ёзиб олиниб, китоб шаклида чоп этилиб, ўқиб ўрганилгани кўпчиликка маълум.

А. Яссавий туркий тилда ҳикматлар айтган файласуф шоир сифатида кўпроқ танилган, шунинг учун ҳам унинг ҳикматларини сўфий шоирнинг поэтик асарлари ҳолида ўқиш ва тадқиқ қилиш лозим. Унингча, ҳақиқат юракда. Ҳақиқат – Рух, Борлиқ, олам билан рухан уйғунликка киришиш – олий саодат.

Туркий – ислом дунёси донишмандлари шайхи, Хуросону Мовароуннахр валиси деб тан олинган Ҳазрат Яссавийнинг юзлаб, минглаб шоғирдлари бўлиб, энг истеъдодли шоғирдлари: устози шайх Арслонбобнинг ўғли – Мансур ота, Занги бобо (Ой Хожа)нинг бобоси – Абдумалик ота, Занги бобо (Ой Хожа)нинг отаси – Тож Хожа ва Ҳаким ота номи билан машҳур бўлган Сулаймон Боқирғоний эдилар. Улар устози Аҳмад Яссавий ҳикматларида акс этган ислом динининг қонун-қоидалари ва урф-одатлари мажмуаси бўлган шариятни, илоҳий маърифатни тарғиб қилганлар .

Хожа Аҳмад Яссавийдан кейин яссавий тариқатига тобе дарвишлар орасида айни шу усулда асар ёзиш анъанага айланди. Тарикат пири очган йўлда юриш озми-кўпми шоирона истеъдодга эга яссавий дарвишлари учун муқаддас вазифага айланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда яшаб, “риёзатни қаттиқ тортиб, қонлар ютиб” туркий тилда ижод этган Туркистон мулкининг шайхул машоихи Аҳмад Яссавий ҳикматларини:

**Бисмиллоҳ, деб баён айлаб ҳикмат айтиб,
Толибларга дурри гуҳар сочдим мано.
Риёзатни қаттиқ тортиб, қонлар ютиб,
Ман дафтари соний сўзни очдим мано, –**
деб бошлаган бўлса, уни шундай тўртлик билан тугатган:

**Қул Хожа Аҳмад ҳар бир сўзинг дардга дармон,
Толибларга баён қилсам қолмас армон.
Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айтдим Ҳақдан фармон,
Фармон бўлса улғунимча сўзласам мен.**

(А. Яссавий. “Девони ҳикмат” Қозон, 1896й.)

Тўрт минг тўрт юз ҳикмат...

Ҳақдан фармон бўлса ўлғунимча ҳикмат сўзласам, деб орзу қилган муаллиф ўзи таъкидлаганидек, 4 400 ҳикмат айтган бўлсада, бизгача жуда кам миқдори етиб келган, у ҳам бўлса, устозга содиқ шоғирдлари, издошлари томонидан тикланган. Маълумки, XI-XII асрларда яшаб ўтган А. Яссавий, Машраб ва ўнлаб шоирларнинг қадимий девонлари, ҳикматларнинг асл нусхалари йўқ. Қўл остида нимаики бўлса, шуни тўплаб, халқ оғзидан ёзиб олиниб “Девони ҳикмат” нашр этилган.

Аҳмад Яссавий ўз даври фарзанди сифатида ислом дини кўрсатмалари ва исломий ақидаларга таянган ҳолда яратган “Девони ҳикмат”нинг асл моҳияти ва аҳамияти шундаки, ҳикматларда Аллоҳ яратган бандаларининг фоний дунёда ҳаётини ҳалол, покиза яшаб ўтказиш, имонли, эътиқодли бўлиш, ҳаром ишлардан, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш лозимлиги уқтирилади.

**Гулпошша ЭРГАШХҲЖА қизи ЯССАВИЙ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,
Халқаро Қирққизлар Академияси илмий кенгаши аъзоси
тарих фанлари номзоди, доцент.**

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш – замонавий таълимнинг долзарб мавзуларидан бири.

Ушбу йўналишда Туркистон вилояти бўйича “Өрлеу” малака ошириш миллий марказининг филиали томонидан ўқув курслари ташкил этилди. Касбий салоҳиятни ривожлантириш бўйича «Ўзбек тили ва адабиёти дарсларида функционал саводхонликини ривожлантириш» ҳамда «Бошланғич синфларда CLIL услуги» мавзуларида ўтказилиб, унда Сайрам, Саригоч, Қазигурт, Келес ва Тўлкибош туманларидан келган ўзбек тили ва адабиёти ҳамда бошланғич синфлар муаллимлари иштирок этди. Бу каби ўқув машғулотлари тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчилари учун ҳам уюштирилди.

Дарсларга “Өрлеу”нинг Туркистон вилоят Касбий тарақиёт институтининг катта ўқитувчилари М. Мусаева, Н. Азбердие-



Юсуф Сарёмий номли 107-сонли мактаб-лицейда ўзбек адабиётининг XIX аср охири XX аср бошларида ижод қилган маърифатпарвар шоир Юсуф Сарёмий таваллудининг 185 йиллигига бағишланган “Ҳамон ёдимиздасиз, Сарёмий бобо” мавзуида адабий-мусиқий тадбир ўтди. Унда мактаб жамоаси, ўқувчилар ҳамда шоир ва маънавият соҳаси етакчилари иштирок этди.

Тадбирни 11-“А” синф ўқувчилари Ҳадичахон Султонмахмудова ва Асилбек Тошпўлатов олиб боришди.

Адабий кечани ўтказишдан асосий мақсад – Мулла Абдушукур ўғли Муҳаммад Юсуф (Сарёмий)нинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини тарғиб қилиш ва ўқувчиларда аждодлар меросига ҳурмат туйғусини шакллантириш эди.

Тадбир Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги видеолавҳа билан бошланди. Мактаб-лицей директори Нодирхон Имомсидиқов буюк мутафаккир Абай Қўнанбайулининг 180 йиллиги ва ўзбек адабиёти намояндаси, ҳамюртимиз Юсуф Сарёмийнинг 185 йиллигига бағишлаб маъруза қилди. Сўнг таниқли хонанда Абдумажид Эргешов мақом йўналишидаги кўшиқлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ўқувчилар шоирнинг рубойи ва ғазалларини ифодали ўқиб,

СУНЪИЙ ИДРОК – ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА

ва ҳамда Сайрам туманидаги 4-сонли гимназия мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Н. Ақромовалар етакчилик қилишди.

CLIL – яъни, фан ва тилни интеграцияланган ҳолда ўқитиш усули – бугунги таълимнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Курс тингловчилари мазкур услубият орқали тил ва фанни уйғун тарзда ўқитиш, замонавий педагогик ёндашувлар ва инновацион усуллардан фойдаланиш кўникмасини оширишди.

Шу билан бирга “Тарих ва ҳуқуқ асосларини ўқитишдаги янги технологиялар” мавзуидаги курс (28.10.2025 й. – 07.11. 2025



й.) 10 кун давомида М. Горький номидаги мактабда амалга оширилмоқда. Уни катта ўқитувчи Бахтигул Матекова олиб бормоқда. Курс давомида тарих фанидан ўқув саводхонлигини ривожлантириш, дарсларда сунъий идрокдан фойдаланиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш каби усуллардан кенг қўлланилмоқда.

Сайрам туманидаги 3-сонли Ҳамза номли ҳамда М. Горький номидаги мактабларда ўтаётган мазкур курсларда 75 нафар ўқитувчи малакасини оширмоқда. Курсни муваффақиятли تامомлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификатлар топширилади.

**Маҳфуза МУСАЕВА,
Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳри бўйича “Өрлеу” малака ошириш миллий маркази филиалининг услубиятчиси.**

“ҲАМОН ЁДИМИЗДАСИЗ, САРЁМИЙ БОБО!”



сатира йўналишидаги сахна кўринишлари намойиш этилди. Тадбир сўнггида сўзга чиққан мактабининг собиқ директори Баҳодир Нуралиев мактаб маъмурияти, ўзбек тили ва адабиёт бирлашмаси муаллималари ҳамда ўқувчиларга миннатдорчилик билдирди.

1999 йил 21 апрель кунини ҚР Ҳукуматининг Фармони билан мактабга Ю. Сарёмий номининг берилиши анча машаққатлар эвазига амалга ошганини таъкидлади. Ўз

даврининг машҳур мутафаккири, устоз ва ҳаттот Юсуф Сарёмий номи билан ҳар биримиз фахрланишимиз керак, унинг номини мактабда сақлашимиз, эътироф этишимиз кераклигини таъкидлади. Журналист, ёзувчи-шоир Иброҳим Туркий ҳам “Юсуф Сарёмий” асари ўзбек драма театрида сахналаштирилгани ҳақида айтиб, шоирга бағишланган мадҳияни ўқиб берди. Меҳмонлардан Турдимат Одилов, Абубакир Хонхўжаев, Эркиной

Султонова ва бошқалар тадбирга доир ижобий фикр-мулоҳазаларини билдиришди.


Ўзбек тили ва адабиёт бирлашмаси раҳбари Дилором Норкулова тадбир ўқувчиларнинг бадиий сўз усталиги, сахна маданияти ва нуқт маҳоратини ривожлантириш, маърифатпарвар шоир ва ёзувчилар меросини ўрганишда улкан аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

**М. УСМОНОВА.
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.**

»»»Дил изҳори

ЮРАКНИ ЮРАК БИЛАН ДАВОЛАЁТГАНЛАР "ҲАЁТ"НИНГ ҲАЁТИДАН БИР ЛАВҲА

Бу даргоҳга соғ одам бормайди. Шифокорлар истиқболига беморлар ошиқади. Кексалик ёшига етганда тобим қочиб, хали Сайрам, Тўлкибош, Бургулик, хали Шимкент шаҳридаги шифо масканларига кўп борадиган бўлиб қолдим.



Қон босимининг ошиши ҳам оғир дард. Тўрт йилдан бери бу дардга мубтало бўлган эдим, insult ёнига мана яқинда инфаркт қўшилди. Танамни бошқариб турган юрагимни зудлик билан даволаш учун шифокорлар жонга оро киришди. Шимкент шаҳар кардиология маркази шифокорларига миннатдорчилик билдираман.

Ҳозир Сайрам даҳасида фаолият юритаётган “Хаёт” клиникасида шифокор-кардиолог Нилуфар Мирғани қизи назоратидаман. У мактабда ўқиб юрган кезларимда адабиётга қизиқтирган раҳматли устозим Орзимат Ризаметовнинг набираси экан. Шифокорнинг иш хонаси дид билан безатилган. Девордаги “Юракни юрак билан даволаш керак”, деган ёзув эътиборимни тортди.

Хуллас, шифокорларнинг ширинсуханлиги, ҳар бир беморга алоҳида эътибори таҳсинга сазовор. Мен бу ерда ишлаётган барча шифокорлардан миннатдорман.



**Ўрмон СОБИР,
Эркин Воҳидов номидаги "ЎЗБЕГИМ" халқаро ижодкорлар иттифоқи раҳбари.**

>>> Дўст билан обод уйинг

“Оталар чойхонаси” анжумани қадим Қарноқда



Анъанавий “Оталар чойхонаси” анжумани 2000 йилдан зиёд тарихи бор кўҳна Қарноқ қишлоғида юксак савияда ўтди.

Мезбон – ҳомий, шаҳар маслаҳати депутати, Қарноқ қишлоғи ўЗМБ раиси Бекзод Ҳабибов бунёд этган “Бексарой” тўйхонасида Саврон тумани қишлоқлари ва Туркистон шаҳридан ташриф буюрган ҳурматли меҳмонлар қарнай-сурнай садолари остида тантанали кутиб олинди. Меҳмонларни Қарноқ қишлоқ округи ҳокими ўринбосари Акмал Амиров, вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъат аъзоси Тўлқин Саидмуродов, қишлоқ оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Анвар Мирзаев ва ҳомий Бекзод Ҳабибовлар самимий кутлаб, дастурхонга таклиф этишди.

Анжуман аввалида меҳмонлар автобус-да Қарноқнинг диққатга сазовор маданий-маърифий, тарихий қадамжоларини зўр қизиқиш билан зиёрат қилишди. Қурилиши ҳашар усулида 2016 йили бошланиб, 2022 йили поёнига етган, бир маҳалда 3 минг намозхон ибодат қиладиган маҳобатли Қарноқ жоме масжиди салобати барча меҳмонларда ҳайрат ва қизиқиш уйғотди. Масжид гумбази нафақат минтақа, балки Марказий Осиёда энг улканидир. Мадраса ҳам бунёд этилган, спорт майдони қурилиши бошланган ушбу ҳидоят маскани Қарноқ аҳлининг бирлиги, яқдиллиги тимсолидир.

Масжид намозхонлари мисолида “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига уюшқоқлик ҳам ўз ифодасини топишига ишонамиз. Келаси йили адиб Одил Ёқубов



таваллудининг 100 йиллиги. Фаол жамоатчи обуначимиз, директор Артур Асоев раҳбарлик қилаётган Маҳмуд Қошғарий номи мактаб-лицейи ҳовлисидаги ўтган асрда – 98 йил муқаддам бунёд этилган гиштин иморатда асарлари жами 5 миллион нусхада китоб ҳолида нашр қилинган машҳур ёзувчи Одил Эгамберди ўғли ўқиган. Қозоғистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси, ўқитувчи Долимжон Сайфуллаев юбилейга тайёргарлик, адиб ҳаётига оид тафсилотлар ҳақида гапириб берди. Қорачиқлик фаол муштарийимиз Қодир Аҳмедов тилга олган қизқарли маълумотларни газетга мақола тарзида тайёрлаб берса, нур устига нур. “Шоммат Эшон” ўлкашунослик музейининг ишчан мудири Анвар Мирзаев ушбу даргоҳнинг ташкил этилиши, экспонатлар тўпланишида падари бузруквори Бектош Мирзаевнинг фидокорона саъй-ҳаракатларини гапириб берди. Аини пайтда таъмирлаш ишлари давом этаётган музей Қарноқнинг маданият, маърифат ва ҳидоят маркази сифатидаги тарихий маскан эканлигини далиллайди.

Ислом дини тарғиботи йўлида Арабистондан келган йирик лашкарбоши ва давлат арбоби Имом Боҳиллий мақбараси жойлашган масканда меҳмонлар улкан

дошқозон, 1300 йиллик тарихий тут дарахтини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Т. Саидмуродов, Д. Сайфуллаев, Б. Ҳабибов ва А. Мирзаевлар ушбу тарихий қадамжого оид тафсилотларни гапириб беришди. Имом Боҳиллий зиёратгоҳи дарвозаси пойида Райимжон Қўчқоров етакчилигида Ўзбекистондан зиёратга ташриф буюрган меҳмонлар билан учрашиб, фикр алмашдик. “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти саъй-ҳаракатлари билан тақрорий нашрга тайёрланаётган “Туркистоннинг азиз қадамжолари” китоби Жаҳонгир Абдусаматов етакчилиги қилаётган “Хилол” нашрида чоп этилишини Райимжон Қўчқоров маълум қилди. Қадамжолар таъмирига катта ҳисса қўшган Юнак қишлоғи ўЗМБ раиси Жамшид Шарофиддинов билан келган меҳмонларни тасвирга олдим.

21 йилдан буён қарноқликлар орзусига айланган маданият саройи қурилиши муаммоси Қарноқдан сайланган депутатлар Бекзод Ҳабибов ва Қаблан Ёлеусизовларнинг ташаббуси, Астанадаги сенатор Алишер Сотволдиев саъй-ҳаракатлари билан ижобий ҳал бўлганлигини газетамизда ёритганмиз. 300 ўринли замонавий қишлоқ маданият саройи қурилиши майдонидаги

бунёдкорлик ишларини кўриб, қувондик. Янги маданият саройи келаси йилнинг биринчи чораги поёнида ниҳоясига етиши режаланган.

“Бексарой” тўйхонасидаги анжуманда хушовоз хонанда Расул Қавибоев (доира-да Мурод Қамбарбеков) ижросида мумтоз кўшиқлар даврага файз киритди. Бир гуруҳ фаол муштарийларимизга турли мукофот, кўкрак нишони, “Ташаккурнома” ҳамда вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзолиги тўғрисидаги гувоҳномалар тантанали тақдим этилди. “Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фидойи сурнайчи” унвони соҳиби Файзулла Мирзаҳмедовга вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Тойир Абдувалиев ҳамда “Ўлес” вилоят хайрия жамоа жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров ҚХА 30 йиллиги медалини топши-

ришди. Унинг сайрамлик дўсти Бобоназар Сотволдиев, эскиқонлик академик Ирисқул Аббосовлар ҳам самимий тилакларини айтиб, кифтига тўн ёпдилар. Даврада Файзулла Мирзаҳмедов ижросида янграган шўх сурнай навосига нуроний отахонлар завқ билан рақсга тушдилар. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржима китоблари Абай номидаги давлат мукофоти ҳамда ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг “Ташаккурнома”сига сазовор бўлган иқтидори мўл Долимжон Сайфуллаевга “Жанубий Қозоғистон” тахририятидан фаол обуначи сифатида “Ташаккурнома” берилди. Қишлоқ ўЗМБ раиси Бекзод Ҳабибов ҳомийлигида барча меҳмонларга “Ошёнига бегона қуш” (таржимон Д. Сайфуллаев) китоби тарқатилди. Ёзувчи-таржимон кифтига ҳамқишлоқлари номидан ҳурмат ила тўн кийдирилиб, иззат-ҳурмат кўрсатилди.

Қарноқдаги “Оталар чойхонаси” анжумани ташаббускори Обиддин Фахриддинов, бир кун муқаддам вилоят ҳокими Нуралхан Қўшеров билан Уранғай қишлоғида улкан иншоот қурилишининг биринчи гиштини қўйган фаол обуначимиз Йўлдош Қосимов, Саврон тумани ва Қорачиқ қишлоғи ўЗМБ раислари Қурбонбой Ирисбеков, Мирзахон Адхамовлар кўпчилик номидан мезбонларга миннатдорчилигини изҳор этишди. Янгиқонлик шоир Бобонон Ёқубов қаламига мансуб фалсафий маънодаги тўртлик фоний дунёда ҳалоллик, поклик, соф муҳаббатни улуғлайди:

Поклик – у вафони қилиб ихтиёр,
Бу дунё роҳатин кўрганлар бисёр.
Аллоҳ ризқин кўрмай ўзгага раво,
Виждон азобида хор бўлганлар бор.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: Қарноқдаги “Оталар чойхонаси” анжуманида.

Муаллиф тасвирлари.

Улоғбайт

“СЕНГА БОР ЭСА СЎЗ
БИЛУРДИН МАЗОҚ,
ЎЗУМ САРИ БОҚМА,
СЎЗУМ САРИ БОҚ”.
Алишер НАВОЙИ.
(Мазмуни: “агар сенда сўз моҳиятини
била олишлик қобилияти бўлса, ўзимга
боқма, сўзимга боқ”).

КУН ҲИКМАТИ

“ТИЛ – БАМИСОЛИ ЧОЛҒУ АСБО-
БИ: У ЭҲТИМОЛ ҒИЖЖАҚДАН ҲАМ
НОЗИК ВА МУРАККАБДИР. ЯНА ШУ-
НИ АЙТИШ ЛОЗИМКИ, ТИЛНИ ҲАМ,
ҒИЖЖАКНИ ҲАМ ЮЗАКИ БИЛИШГА
ТОҚАТ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ”.

Петр ВЯЗЕМСКИЙ, рус шоири.

Думий
Ҳикматлари

МАҒРИБ
ДОНИШМАНДЛАРИ
ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК,
ҲАЛОЛЛИК, ЁЛҒОН ВА
ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА

- Ҳар бир машаққат ортида бир ёруғлик бор. Агар кўлларингизга тикан ботиб, қонга беланган бўлса, демак, гулга етишингизга оз қолибди.
- Тупроққа йиқилсанг, янгидан гул бўлиб, бош кўтаришингни кут. Ўтмишда неча бор тупроқ бўлганингни эмас, неча бор гул бўлиб унганингни хотирла.
- Ой чиқмаса юзингдан, қуёш кўринмаса деразанадан... Нуқсонни ой ва қуёшдан излама. Кўзларингиздаги пардани олиб ташла.
- Яхшиман, десам, ёлғон сўзлаган бўламан. Ёмонман, десам эътиқодимга дарз етади. Энг яхшиси, тилимни шукрга йўналтирай, балки шундагина қалбим роҳат топар.

- Иккиюзламачи – шундай одамки... айтгандай, иккиюзламачи бўлмаган одам бормикан?
- Дон МАРКИЕ.
- Одамларнинг ҳалоллиги уларнинг бойлиги ошган сари кўпайганини кўрмаганман.
- Томас ЖЕФФЕРСОН.
- Кўзга тик қараб айтилдиган гапни қулоққа айтган яхшироқ.
- Лех НОВАЦКИЙ.
- Ёлғоннинг оёқлари қалта, аммо кўллари узундир.
- Михаил ХОФМАН.
- Кимдандир айёрроқ бўлиш мумкин, аммо ҳаммаданмас.
- Франсуа ЛАРОШФУКО.
- Ҳақиқатни айтиш ҳамма вақт оғир, ёлғонни эшитиш эса ҳамиша осон.
- Сюзанна БРОАН.

Авлиёлар Ҳикмати

- Кимдаки, бир яхши хислат кўрсанг, ундан ажралмагинки, албатта, унинг баракотидан сенга ҳам наф тегади.
- Аллоҳга яқин бўлиш ёрқин нурдир, ҳалойиққа яқинлик ғамнинг ўзидир.
- Қилган амали билан мақтанган кишининг яхшилиги ёмонликка айланади.
- Маърифатнинг ҳақиқати ҳайратдир.
- Илгари олим одам молини илм йўлига сарфлар эди. Бугун-чи? Илми орқали мол-дунё тўпплайди.

Зуннун МИСРИЙ,
IX-X асрларда яшаган машойих.

>>> Табобат

АЛОЭ – кўриш муаммоларидан
азият чекадиганлар
учун ҳақиқий нажот

Ушбу восита кўзлар учун ҳақиқий дармондори. У катаракта, кўз оғриғи ва кўз қовоқларининг яллиғланишини даволашда муваффақиятли қўлланилиши мумкин.
Таркиби: 100 г алоэ шарбати, 500 г майдаланган ёнғоқ, 300 г асал, 3-4та лимон.
Лимондан шарбатни сиқиб олинг. Кейин барча ингредиентларни блендерда бир хил атала ҳосил бўлгунча майдаланг. Аралашмани овқатдан ярим соат олдин қунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичиш керак.
Муолажа давомийлиги 3 ой. 30 кундан кейин сиз кўриш яхшиланаётганини ҳис қиласиз.

Қурилган меваларнинг
организмга фойдалари
қандай?

Баргак (данаксиз туршақ). Бу маҳсулот калийга бой бўлиб, юрак қон-томир хасталиклариде яхши самара беради. Хурмо қоқи. Глюкозага бой бўлиб, ишчанлик қобилиятини оширади. Фойдали унсурларга бой таркиби сабабли иммунитетни ҳам мустаҳкамлайди.
Анжир қоқи. Ўт пуфаги фолиятини яхшилайди, бронхитни даволашда қўлланилади ва қувватсизликнинг олдини олади.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22</i> <i>Қазигурт – Хуриш ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42</i> <i>Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЎДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Саригоч – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф- лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ бошқарувида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.	Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10300 нуска. Бутма: 2544. Навбатчи муҳаррир: Шоҳиста ТОШПҲАТОВА.	